

Олтиарик туман
Махалла ва нурунийларни
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи



Р.Хамдамов

“ 9 ” Июнь 2022 йил

Олтиарик тумани Олтиарик тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг йиғилиш

Б А Ё Н И № 3

Комиссия раиси:

В.Мадиев

Комиссия аъзолари : Р.Холбобоев. Ш.Турдиматова А.Алимназаров.К.Гийёсова.

Кун тартибидаги масала: Олтиарик тумани Оқбўйра МФЙ худудидаги истиқомат қилаётган аҳолига электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишлари бажариш мақсадида

Товар ва хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
Олтиарик тумани Оқбўйра МФЙ худудидаги истиқомат қилаётган аҳолига электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишлари	дона	1	9 156 500 сўм	9 156 500
жами				9 156 500 сўм

ЭШИТИЛДИ; Комиссия раиси, Олтиарик тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими Ташкилий назорат ва таҳлил бўйича бош мутахасиси В.Мадиев ушбу Олтиарик тумани Олтиарик тумани Оқбўйра МФЙ худудидаги истиқомат қилаётган аҳолига электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш ишлари масаласи буйича сўзга чиқиб пудратчи томонидан ишлар объект учун лойиха-смета, АРТ, муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари туғрисида хулосалар, лойиха экспертизасини ўтказиш ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилиши назорат қилиш ишларини бажарилиши лозимлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўзни Танлов комиссияси аъзоси, Олтиарик тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими гуруҳ раҳбари Р.Холбобоевга берди. Ушбу масала бўйича комиссия раиси В.Мадиев сўзларини маъқуллади.

Комиссия аъзоси Олтиарик тумани Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бош ҳисобчиси Ш.Турдиматова ушбу масала буйича қуйидаги хусусий корхонадан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди. Комиссия аъзолари томонидан таклифлар ўрганилди;

ушбу таклифлардаги нархлари комиссия аъзолари томонидан таққослаб кўрилганда эълон бўйича сифатли ва арзон нархда таклифберган кўрхона деб "ОЛТИАРИҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ"МЧЖ топилди ва бу комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъкулланди.

Таклиф берган тадбиркор	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
ООО FAYZ VARAKA TRADE 1984	дона	1	9 900 000	9 900 000 сўм
"ОЛТИАРИҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ"МЧЖ	дона	1	9 156 500	9 156 500 сўм

**Юқоридагиларга асосланиб комиссия қуйидагича
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

"ОЛТИАРИҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ"МЧЖ томонидан таклиф килинган нархлар бўйича лойиқ деб топилсин ва Олтиарик тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ва "ОЛТИАРИҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ"МЧЖ ўртасида шартнома тузилсин.

Танлов комиссия аъзолари:

Комиссия раиси:



В.Мадиев.

Комиссия аъзолари



Р.Холбобоев.



Ш.Турдиматова



А.Алимназаров



К.Фиёсова.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 96187 на приобретение Оқбўйра МФЙ худудидаги истиқомат қилаётган аҳолига электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш

Способ проведения электронный

Дата 09.06.2022

Время рассмотрения 09.06.2022 15:42

Конкурсная комиссия Олтиарик тумани Махалла ва Оилани қўллаб қувватлаш бўлими., (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XAMDAMOV RO'ZIMAXAMAT TURSUNBOYEVICH	Рахбар	Махалла ва Нуронийларни қўллаб- қувватлаш
Секретарь комиссии	NURMATOVA FERUZA AMINJONOVNA	мутахасис	Махалла ва нуронийларни қ-қ
Член комиссии	XOLBOBOYEV RUZIMAT PULATOVICH	мутахасис	Махалла ва нуронийларни қўллаб- қувватлаш
Член комиссии	MADIYEV VALISHER ADXAMOVICH	Тнк	Махалла ва нуронийларни қўллаб- қувватлаш
Член комиссии	TURDIMATOVA SHOIRAXON AZAMJONOVNA	Бугалтер	Махалла ва нуронийларни қ-қ
Член комиссии	ISROILOV AVAZBEK RUSTAMOVICH	мутахасис	Махалла ва нуронийларни қ-қ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.06.2022 года № лота 96187.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Сифатли ва талабга тўлик жавоб бериши керак
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	10 000 000.00
Стартовая сумма	10 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихачи ташкилотни гувоҳнамаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихачи ташкилот гувоҳнамаси рахбар паспорти нусхаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	20	бор	20	Экспертная		
OOO FAYZ BARAKA TRADE 1984	20	малумот бор	20	Экспертная		

Критерий №2 Лойихачи томонидан тузилган лойиха

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихачи томонидан тузилган лойихани пудратчи иш бошлаганда объектга бориб ишлар боришини кундалик кузатиб боради

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	20	ха	20	Экспертная		
OOO FAYZ BARAKA TRADE 1984	20	бор	10	Экспертная		

Критерий №3 АПЗ ва топография геология хулосалари

Тип: Текстовое значение

Описание: АПЗ ва топография геология хулосаларига булим томонидан ариза бериледи лекин Лойихачи томонидан хизмат хакларини коплаб бериди

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	20	ха	20	Экспертная		
OOO FAYZ BARAKA TRADE 1984	20	бор	15	Экспертная		

Критерий №4 Тузилган лойихани Давлат экспертизадан утказиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Тузилган лойихани Давлат экспертизадан утказиб эксперт хулосаси буйича лойихани тугрилаб беради

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	20	ха	20	Экспертная		
OOO FAYZ BARAKA TRADE 1984	20	бор	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
------------------------	-----------------	--------------------	------------------	-------------------------

ООО FAYZ BARAKA TRADE 1984	10 000 000.00	9 900 000.00	07.06.2022 09:30:29	18.50
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	10 000 000.00	9 156 500.00	02.06.2022 19:28:07	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО FAYZ BARAKA TRADE 1984	55	18.49798	73.49798
OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ	80	20	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 96187 от 09.06.2022 года на приобретение Оқбўйра МФЙ худудидаги истиқомат қилаётган аҳолига электр узатиш тармоқлари тортиш ва трансформаторлар ўрнатиш определила победителем:

OLTIARIQ QURILISH MATERIAL MCHJ
307177669

и резервный исполнитель: ООО FAYZ BARAKA TRADE 1984 (308250736)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XAMDAMOV RO'ZIMAXAMAT TURSUNBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ISROILOV AVAZBEK RUSTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURDIMATOVA SHOIRAXON AZAMJONOVNA	Согласен	
Член комиссии	XOLBOBOYEV RUZIMAT PULATOVICH	Согласен	
Член комиссии	MADIYEV VALISHER ADXAMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона туман “Олтиариқ тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими” номидан Низом асосида иш кўрувчи Р.Хамдамов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Олтиариқ Ҳурилиш Молия» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Н.Малиқов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Оқбўйра мфй хонадонларини электрэнергия билан таминаш” объекти учун лойиҳа-смета, АРТ, муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари тўғрисидаги ҳулосалар, лойиҳа экспертизасини ўтказиш ҳужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса туман Молия бошқармаси томонидан объектнинг туман Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «09» 06 кунги танлов ҳайъати йиғилишининг 96187 -сонли баёнига асосан жорий нархларда 9156500 (сўз билан) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “10” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “22” 06 да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъерий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказди.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун туман Молия бошқармаси томонидан объектнинг туман Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6. Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 с/фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки туман Молия бошқармаси томонидан объектнинг туман Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилиқ қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-

ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шарҳозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сўст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона туман Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириши ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

"Буюртмачи"

Олтиариқ тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими

Манзил: Олтиариқ тумани Ўзбекистон №90

Тел: 73-432-19-67

ШХР: 401722860302037011906259005

Х/Р: 23402000300100001010

Марказий банк ББ Тошкент шаҳар

ИНН: 207316853

МФО: 00014

"Пудратчи"

"Олтиариқ қурилиш материал" МЧН

Манзил: Олтиариқ тумани, Янгиқўрғон, Тошқўрғон кўчаси 80-уй тел:

к/р: 2020 8000 3054 8619 2001 МФО-00502

АТБ Агробанк Олтиариқ филиали

ИНН: 307177699

Раҳбар: Н. Маликова

Раҳбар: Р. Хамдамов

Раҳбар: Э. Р. Содиқов

Ҳуқуқий хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.